

АҲМАД ИБН ИБРОҲИМ АЛ-ҲОШИМИЙ ВА УНИНГ «*جواهر البلاغة في المعاني*» «*ЖАВОҲИРУЛ-БАЛОҒА ФИЛ-МАЪОНИЙ ВАЛ-БАЁН ВАЛ-БАДИЪ*») АСАРИ

Дадабоев Бобурмирзо Қосимбой ўғли

Тошкент шаҳар Юнусобод тумани

Жобир ибн Абдуллоҳ масжиди имом ноиби

boburdadaboev91@gmail.com

Аннотация. Мазкур мақолада араб балоғатшунослигининг йирик намояндаларидан бири Аҳмад ибн Иброҳим ал-Ҳошимийнинг ҳаёти, илмий мероси ҳамда унинг машҳур «Жавоҳирул-балоға фил-маъоний вал-баён вал-бадиъ» асари таҳлил қилинади. Асарнинг араб риторикаси тараққиётидаги ўрни, тузилиши, илмий услуби ва кейинги давр балоғат таълимига кўрсатган таъсири ёритилган.

Калит сўзлар: ал-Ҳошимий, балоғат, маъоний, баён, бадиъ, араб адабиёти, риторика.

Кириш

Араб балоғат илми Қуръони каримнинг тил хусусиятларини англаш ва араб адабиётининг бадиий қимматини баҳолашда муҳим назарий асос ҳисобланади. Мазкур илмнинг ривожланишида кўплаб олимлар қаторида Аҳмад ибн Иброҳим ал-Ҳошимий ҳам муносиб ўрин эгаллайди. Унинг «Жавоҳирул-балоға фил-маъоний вал-баён вал-бадиъ» асари XX аср араб мамлакатлари исломий таълим муассасалари ва университетларида балоғат фанининг асосий дарсликларидан бири сифатида кенг қўлланилган.

Асосий қисм

Аҳмад ибн Иброҳим ал-Ҳошимий (1878–1943) араб тили, адабиёти ва балоғат соҳасида фаолият юритган мисрлик олимлардан бири ҳисобланади. Унинг асарлари анъанавий араб тилшунослиги меросини замонавий таълим талаблари билан уйғунлаштирганлиги билан ажралиб туради [1:6]. «Жавоҳирул-балоға» асари уч асосий қисмдан ташкил топган: илму-л-маъоний; илму-л-баён; илму-л-бадиъ.

Муаллиф мазкур тартиб орқали аввал нутқнинг мазмуний жиҳатларини, кейин образли ифода воситаларини, сўнгра нутқнинг бадиий безакларини тизимли равишда баён қилади [2:12].

Асарда илму-л-маъоний доирасида хабар ва иншо, фасл ва васл, ижоз, итноб, мусовот каби мавзулар кенг ёритилади. Бу мавзулар араб тилида нутқнинг вазиятга мувофиқ ташкил этилишини тушунтиришга хизмат қилади.

Классик балоғатшунос олимларнинг илму-л-маъоний ҳақидаги қарашларининг қиёсий таҳлили

Илму-л-маъоний араб балоғатининг энг муҳим таркибий қисмларидан бири бўлиб, нутқнинг **муқтазои ҳол** (مقتضى الحال)га мувофиқ тузилиш қонуниятларини ўрганади[3:7]. Бу илмнинг шаклланиши ва такомиллашувида бир қатор классик олимлар муҳим ўрин тутган. Айниқса, Абдулқохир ал-Журжоний (вафоти 1078), ас-Саккокий (1169–1229), ал-Қазвиний (1203–1283) ва Аҳмад ибн Иброҳим ал-Ҳошимийнинг асарлари илму-л-маъоний назариясининг босқичма-босқич ривожланишини акс эттиради. Уларнинг қарашлари ўзаро узвий боғлиқ бўлса-да, тадқиқот услуби, назарий ёндашуви ва таълимий мақсадлари жиҳатидан муайян фарқларга эга[4:8].

Абдулқохир ал-Журжоний (XI аср) илму-л-маъонийнинг назарий асосчиларидан бири ҳисобланади. Унинг асосий хизмати **назм назарияси** (نظرية النظم) ишлаб чиққанидир. Олимнинг фикрича, балоғатнинг асоси алоҳида сўзларда эмас, балки сўзлар ўртасидаги грамматик ва маъновий муносабатларда намоён бўлади[5:12].

Ал-Журжонийга кўра, бир хил маъно турли синтактик шаклларда ифодаланиши мумкин, аммо уларнинг таъсир даражаси бир хил бўлмайди. Демак, нутқнинг балоғати унинг ҳолатга мослиги ва таркибий қурилиши билан белгиланади[6:16].

Унинг ёндашувида илму-л-маъоний фақат грамматик қоидалар йиғиндиси эмас, балки маъно ҳосил қилиш механизмини ўрганувчи назарий тизим сифатида талқин қилинади. Бу жиҳат кейинги барча балоғатшунослар учун асос бўлиб хизмат қилди.

ас-Саккокий (XII–XIII асрлар) «Мифтах ал-улум» асарида илму-л-маъонийни мустақил фан сифатида тизимлаштирди. Агар ал-Журжоний назарий асосларни ишлаб чиққан бўлса, ас-Саккокий уларни мантикий тартибга солди. У хабар ва иншо, ҳазф ва зикр, тақдим ва таъхир, фасл ва васл, ижоз ва итноб каби мавзуларни аниқ таснифлаб берди. Шунингдек, ҳар бир қоидаининг қўлланиш шароитларини белгилади. Ас-Саккокийнинг ёндашуви назарий жиҳатдан мукамал бўлса-да, услуби нисбатан мураккаб ҳисобланади. Шу сабабли унинг асари кўпроқ юқори даражадаги талабалар ва олимларга мўлжалланган[7:11].

ал-Қазвиний ас-Саккокийнинг қарашларини қайта ишлаб, уларни таълим жараёни учун қулай шаклга келтирди. Унинг «Талхис ал-Мифтах» ва «Ал-Ййзоҳ» асарлари бир неча асрлар давомида ислом оламида балоғатнинг асосий дарсликлари бўлиб хизмат қилди. У назариядан кўра амалий таҳлилга кўпроқ эътибор қаратади. У ҳар бир қоида учун Қуръон, ҳадис ва араб шеъриятдан кўплаб мисоллар келтиради. Бу эса талабаларга назарий тушунчаларни осон ўзлаштириш имконини беради. Унинг муҳим хизматларидан бири илму-л-маъоний мавзуларини ўзаро мантикий боғлиқликда баён қилиш ва уларнинг услубий вазифаларини кенг ёритишдан иборат.

Аҳмад ибн Иброҳим ал-Ҳошимий XX асрда классик балоғат меросини замонавий таълим тизими талабларига мослаштирди. Унинг «Жавоҳирул-балоға» асари ас-Саккокий ва ал-Қазвиний анъаналарини давом эттирган ҳолда, мавзуларни анча содда ва тушунарли услубда баён этади. Ал-Ҳошимийнинг асосий мақсади янги назария яратиш эмас, балки классик меросни тизимлаштириш ва уни таълим амалиётига татбиқ

этиш бўлган. Шунинг учун у ҳар бир қонидани таърифлайди, кейин Қуръон, ҳадис ва шеърӣ матнлар орқали изоҳлайди ҳамда қониданинг амалӣ аҳамиятини кўрсатади. Бу жиҳатдан «Жавоҳирул-балоға» назарӣ тадқиқотдан кўра ўқув қўлланма хусусиятини кучлироқ намоён этади.

Тўрт олимнинг қарашларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, уларнинг илмӣ фаолияти илму-л-маъонӣ тараққиётининг турли босқичларини ифодалайди.

Биринчи босқичда Абдулқоҳир ал-Журжонӣ балоғатнинг фалсафӣ ва назарӣ асосларини яратди. У маънонинг сўзларда эмас, балки уларнинг ўзаро муносабатида юзага келишини исботлади.

Иккинчи босқичда ас-Саккокий мазкур назарияни мантиқӣ тизимга солиб, илму-л-маъонӣнинг ички тузилишини аниқ белгилаб берди. Унинг ишларида тасниф ва методология устувор аҳамият касб этади.

Учинчи босқичда ал-Қазвинӣ назарияни соддалаштириб, уни ўқитишга мос шаклга келтирди. Натижада илму-л-маъонӣ мадраса ва университетлар учун тизимли фан сифатида шаклланди. Тўртинчи босқичда Аҳмад ибн Иброҳим ал-Ҳошимӣ классик меросни замонавӣ таълим талабларига мослаштирди. У назарияни сақлаб қолган ҳолда, унинг баёнини соддалаштирди ва кўплаб амалӣ мисоллар билан бойитди. Шундай қилиб, мазкур олимларнинг илмӣ мероси рақобат эмас, балки изчилликни акс эттиради: ал-Журжонӣ — назария асосчиси, ас-Саккокий — тизимлаштирувчи, ал-Қазвинӣ — шарҳловчи ва ўқув жараёнига мослаштирувчи, ал-Ҳошимӣ эса замонавӣ таълим учун қайта ишлаб чиққан муаллиф сифатида намоён бўлади.

Олим	Асосий асари	Илмӣ янгилиги	Илму-л-маъонӣга қўшган ҳиссаси
Абдулқоҳир ал-Журжонӣ	دلائل الإعجاز	Назм назарияси	Илму-л-маъонӣнинг назарӣ пойдеворини яратди
ас-Саккокий	مفتاح العلوم	Мантиқӣ тасниф	Балоғатни мустақил илмӣ тизимга солди
ал-Қазвинӣ	تلخيص المفتاح، الإيضاح في علوم البلاغة	Шарҳ ва соддалаштириш	Назарияни таълим жараёнига мослаштирди
Аҳмад ибн Иброҳим ал-Ҳошимӣ	جواهر البلاغة في المعاني والبيان والبدیع	Замонавӣ дарслик услуби	Классик меросни XX аср таълим тизимига мос равишда қайта ишлади

Илму-л-баён қисмида ташбех, истиора, мажоз ва киноя каби бадий воситаларнинг назарий асослари келтирилиб, улар Қуръони карим, ҳадис ва араб шеъриятидан келтирилган мисоллар асосида шарҳланади. Бу эса талабаларнинг назарияни амалий мисоллар орқали ўзлаштиришига ёрдам беради.

Илму-л-баён балоғат илмининг муҳим тармоғи. Ас-Саккокий «Мифтаҳу-л-улум» асарида илму-л-баённи турли баён услублари орқали бир маънони ифода этиш усуллари ўрганувчи илм сифатида таърифлайди. Ал-Хатиб ал-Қазвиний эса «Ал-Идох фи улуми-л-балоға» асарида илму-л-баённинг вазифаси маънони турли ифода воситалари орқали таъсирчан етказишдан иборат эканини таъкидлайди[3:6].

Илму-л-баённинг асосий турлари

1. Ташбих (ўхшатиш)

Ташбих — бир нарсани иккинчи нарсага муайян белги жиҳатидан ўхшатишдир.

Мисол:

زَيْدٌ كَأَلَسَدٍ فِي الشَّجَاعَةِ - «Зайд жасоратда шер кабидир.»

Бу ерда:

- мушаббах — Зайд;
- мушаббах бих — шер;
- адати ташбих — «ك»;
- важҳи шабах — жасорат.

Қуръони каримдан мисол:

مَثَلُ الَّذِينَ خُمِلُوا الثَّورَةَ ثُمَّ لَمْ يَحْمِلُوهَا كَمَثَلِ الْجَمَارِ يَحْمِلُ أَسْفَارًا

Мазмуни: «Таврот юклатилган (берилган), сўнгра уни кўтармаган (унга амал қилмаган) кимсаларнинг мисоли худди китобларни ортиб кетаётган эшакка ўхшайди.»⁴⁷ Бу ташбих инсонни фикрлашга ва ибрат олишга ундайди.

2. Истиора (метафора)

Истиора — ташбихнинг бир томони тушириб қолдирилган кўринишидир. Мисол:

رَأَيْتُ أَسَدًا يُقَاتِلُ - «Мен жанг қилаётган шерни кўрдим.»

Бу ерда «шер» сўзи ҳақиқий ҳайвон эмас, балки жасур инсон маъносида келган.

Қуръони каримдан мисол:

وَاخْفِضْ لَهُمَا جَنَاحَ الذُّلِّ مِنَ الرَّحْمَةِ

Мазмуни: «Ота-онанг учун меҳр билан камтарлик қанотингни ёй»⁴⁸.

Бу ерда «қанот» истиора бўлиб, меҳр ва мулойимликни англатади.

3. Мажоз

Мажоз — сўзнинг ҳақиқий маъносидан бошқа маънода, муайян алоқа асосида қўлланишидир.

Мисол:

جَرَى الْمِيزَابُ - «Нов оқди.»

⁴⁷ Қуръони карим 62:5

⁴⁸ Қуръони карим 17:24

Аслида нов эмас, балки ундан сув оқади.

4. Киноя

Киноя — маънони бевосита эмас, балки билвосита ифода қилишдир.

Мисол:

فُلَانٌ طَوِيلُ النَّجَادِ Сўзма-сўз: «Унинг қилич боғичи узун.». Мақсад: унинг бўйи баландлигини билдириш.

Илму-л-баён:

- Қуръони карим услубини чуқур англашга хизмат қилади;
- араб адабиётининг бадиий хусусиятларини очиб беради;
- нутқнинг таъсирчанлиги ва нафосатини оширади;
- таржима ва тафсир ишларида муҳим назарий асос бўлиб хизмат қилади.

Абдулқохир ал-Журжоний шундай ёзади:

«Балоғатнинг ҳақиқий гўзаллиги маъноларнинг қалбга энг муносиб тарзда етиб боришидадир».[2:18]. Бу фикр илму-л-баённинг асосий вазифасини ифодалайди.

Асарнинг учинчи қисми бўлган илму-л-бадиъда маънавий ва лафзий санъатлар таҳлил қилинади. Хусусан, тибок, муқобала, жинос, сажъ, иқтибос, мурутун-назир каби санъатларнинг услубий вазифаси изоҳланган.

Илму-л-бадиънинг араб мумтоз балоғатидаги ўрни ва бадиий-эстетик аҳамияти Ушбу илм нутқнинг бадиий гўзаллиги ва эстетик таъсирини таъминловчи санъатларни ўрганиши билан алоҳида аҳамият касб этади. Агар илму-л-маъоний фикрнинг вазиятга мувофиқ ифодаланишини, илму-л-баён эса маънони турли тасвирий усулларда етказишни тадқиқ этса, илму-л-бадиъ нутқнинг нафосати ва безагини ташкил этувчи услубий воситаларни ўрганади.

Бу илмнинг шаклланиши араб мумтоз адабиёти, Қуръони каримнинг услубий хусусиятлари ҳамда классик шеърят таҳлили билан узвий боғлиқ бўлиб, кейинчалик мустақил назарий фан сифатида ривожланган[4:11].

Илму-л-бадиъ ҳижрий III асрдан бошлаб мустақил йўналиш сифатида шакллана бошлади. Бу соҳанинг назарий асосларини ишлаб чиқишда Абдуллоҳ ибн ал-Муътазнинг "Китоб ал-Бадиъ" асари муҳим ўрин тутади. Кейинчалик Қудома ибн Жаъфар, Абдулқохир ал-Журжоний, Саккокий, Хатиб ал-Қазвиний каби олимлар мазкур илмнинг назарий асосларини янада бойитдилар.

Илму-л-бадиъ дастлаб шеърӣ санъатларни тавсифлаш билан чекланган бўлса, кейинчалик наср, хитоба ва диний матнларнинг услубий таҳлилига ҳам татбиқ этилди.

Илму-л-бадиънинг асосий бўлимлари

Анъанавий равишда илму-л-бадиъ икки катта қисмга бўлинади:

1. Маънавий санъатлар

Бу турдаги санъатлар маънолар ўртасидаги муносабатларга асосланади.

Уларга қуйидагилар киради:

- тибок (қарши маъноли сўзларни қўллаш);
- муқобала;

- хусну-т-таълил;
- мурут-н-назир;
- тажохулу-л-ориф;
- муболаға;
- ирсоду-л-ажз ва бошқалар.

Масалан, тибокда қарама-қарши маъноли сўзларнинг бирга келиши фикр таъсирчанлигини кучайтиради.

2. Лафзий санъатлар

Бу санъатлар товуш, талаффуз ва сўз шаклига асосланади.

Уларга:

- жинос;
- сажъ;
- радду-л-аъжуз ала-с-садр;
- иқтибос;
- тасдир;
- таврия кабилар киради.

Масалан, жинос бир хил талаффуз қилинадиган, аммо турли маъноларни англатадиган сўзларни қўллаш орқали нутқнинг бадиийлигини оширади.

Илму-л-бадиънинг бадиий вазифаси

Илму-л-бадиънинг асосий вазифаси нутқни сунъий равишда безаш эмас, балки мазмун ва шакл ўртасидаги мутаносибликни таъминлашдир. Классик балогат олимлари бадиий санъатлар табиий ҳолда қўллангандагина юқори эстетик қийматга эга бўлишини таъкидлаганлар[6:3].

Бадиий санъатлар:

- фикрнинг таъсирчанлигини оширади;
- матннинг муסיқийлигини таъминлайди;
- эстетик завқ уйғотади;
- ўқувчи ёки тингловчининг диққатини жалб қилади;
- маънони янада чуқурроқ англашга ёрдам беради.

Шу сабабли илму-л-бадиъ нафақат шеърятда, балки насрий асарлар, диний матнлар, нотиклик санъати ва замонавий публицистикада ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Замонавий тадқиқотларда илму-л-бадиъ

Бугунги кунда илму-л-бадиъ араб филологияси, қиёсий адабиётшунослик, матншунослик ва услубшунослик соҳаларида муҳим назарий манба ҳисобланади. Замонавий тадқиқотчилар бадиий санъатларни когнитив тилшунослик, прагматика, дискурс таҳлили ва стилистика нуқтаи назаридан ҳам ўрганмоқдалар.

Шу билан бирга, Қуръони карим услубини таҳлил қилишда илму-л-бадиънинг назарий қоидалари муҳим методологик асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ал-Ҳошимий ўзидан аввалги Абдулқохир ал-Журжоний, ас-Саккокий ҳамда ал-Қазвиний каби олимларнинг назарий қарашларини умумлаштириб, уларни содда ва

тушунарли услубда тақдим этади. Шу жиҳатдан асар классик манбалар билан замонавий ўқув қўлланмалар ўртасидаги боғловчи ҳалқа вазифасини бажаради.

Тадқиқотчилар таъкидлашича, «Жавоҳирул-балоға»нинг энг муҳим афзалликларидан бири назария билан амалий таҳлилнинг уйғунлаштирилганидир. Муаллиф ҳар бир қоидадан кейин Қуръон оятлари, ҳадислар ва шеърӣй намуналарни келтириб, қоиданинг амалий қўлланилишини кўрсатади.

Бугунги кунда ҳам мазкур асар араб мамлакатлари, Туркия, Марказий Осиё ва бошқа ҳудудларда араб тили ва балоғат фанини ўқитишда муҳим манбалардан бири сифатида эътироф этилади.

Хулоса

1) Қиёсий таҳлил шуни кўрсатадики, илму-л-маъоний ривожланиши бир неча аср давом этган узлуксиз илмий жараёндир. Абдулқоҳир ал-Журжонийнинг назарий ғоялари кейинчалик ас-Саккокий томонидан тизимлаштирилди, ал-Қазвиний томонидан соддалаштирилди ва Аҳмад ибн Иброҳим ал-Ҳошимий томонидан замонавий таълим эҳтиёжларига мос ҳолда қайта баён қилинди. Бу узвий ворислик араб балоғатшунослигининг илмий барқарорлиги ва методологик изчиллигини таъминлаган омиллардан бири ҳисобланади.

2) Аҳмад ибн Иброҳим ал-Ҳошимийнинг «Жавоҳирул-балоға фил-маъоний вал-баён вал-бадиъ» асари араб балоғатшунослигининг энг мукаммал ўқув манбаларидан бири ҳисобланади. Асарда классик балоғат назарияси содда услубда баён қилиниши, мисолларнинг бойлиги ва мавзуларнинг мантиқий изчиллиги унинг узоқ йиллар давомида асосий дарслик сифатида қўлланилишига сабаб бўлган. Шунингдек, мазкур асар араб тилини чуқур ўрганиш, Қуръони карим услубини таҳлил қилиш ҳамда бадиий матнларни илмий тадқиқ этишда муҳим назарий манба бўлиб хизмат қилади.

3) Илму-л-баён араб балоғатининг энг муҳим соҳаларидан бири бўлиб, у маънони турли услубларда таъсирчан ифода этиш қонун-қоидаларини ўрганади. Ташбих, истиора, мажоз ва киноя нафақат араб адабиётида, балки Қуръони карим услубида ҳам кенг қўлланган. Шу сабабли мазкур илмни чуқур ўрганиш араб тили, тафсир, ҳадис ва исломий илмлар билан шуғулланувчи тадқиқотчилар учун муҳим аҳамият касб этади.

4) Илму-л-бадиъ араб балоғатининг муҳим таркибий қисми бўлиб, нутқнинг эстетик ва таъсирчан жиҳатларини ўрганади. Маънавий ва лафзий санъатларнинг ўзаро уйғунлиги матннинг бадиий қимматини оширади ҳамда муаллиф ғоясининг ўқувчига кучли таъсир кўрсатишини таъминлайди. Замонавий филологик тадқиқотларда ҳам илму-л-бадиъ ўз аҳамиятини йўқотмаган бўлиб, адабий матнларнинг услубий хусусиятларини таҳлил қилишда муҳим назарий асос вазифасини бажармоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдуллоҳ ибн ал-Муътазз. *Китоб ал-Бадиъ*.
2. Абдулқохир ал-Журжоний. *Асрор ал-балоба*.
3. Абдулқохир ал-Журжоний. *Далоил ал-иъжоз*.
4. Ас-Саккокий. *Мифтоҳ ал-улум*.
5. Ал-Хатиб ал-Қазвиний. *Ал-Изоҳ фи улум ал-балоба*.
6. Ҳошимий, Аҳмад. *Жавоҳир ал-балоба*.
7. Баҳовуддин Ўринбоев. *Араб тили балогати асослари*. Тошкент.
8. Ал-Ҳошимий, Аҳмад ибн Иброҳим. *جواهر البلاغة في المعاني والبيان والبدیع*. –
Байрут: ал-Мактабатул-'Асрийя, 1999.
9. دلائل الإعجاز. – Байрут: Дор ал-Кутуб ал-'Илмийя.
10. أسرار البلاغة. – Байрут: Дор ал-Кутуб ал-'Илмийя.
11. مفتاح العلوم. – Байрут: Дор ал-Кутуб ал-'Илмийя.
12. الإيضاح في علوم البلاغة. – Байрут: Дор ал-Кутуб ал-'Илмийя.
13. تلخيص المفتاح. – Байрут: Дор ал-Кутуб ал-'Илмийя.